

Дунё ҳам худди шундай



08:00 / 06.05.2020 2840

Муҳаммад ибн Назр ва ўлимни зикр қилиш

Ибн Муборак айтади: «Ўлим зикр қилинса, Муҳаммад ибн Назрнинг тили айланмай, қалтираб қоларди».

Шоядки Аллоҳ манфаат берса

Абу Абдурахмон Асадийдан ривоят қилинади: «Саъид ибн Абдулазизга: «Эй Абу Муҳаммад, нега намозда бунчалик кўз ёш тўкасиз?» дедим. У: «Эй биродаримнинг ўғли, нега бундай савол беряпсан?» деди. «Амакижон, қанийди шу билан Аллоҳ менга манфаат берса!» дедим. Саъид: «Намозда турсам, менга худди жаҳаннам кўрсатилаётгандек бўлади», деди.

Абу Мусо Имрон ибн Мусо Турсусийдан ривоят қилинади: «Фатҳ Мусилий икки ёш бола олдидан ўтиб қолди. Бирининг қўлида асал суртилган нони,

бирида эса тузламали нон бурдаси бор эди. Тузламали нонни ушлаган олдидаги болага: «Нонингдан бер», деди. У бўлса: «Агар менинг итим бўлсанг, бераман», деди. У рози бўлди. Кейин унга асалли нонидан берди ва бўйнига арқон солиб судради. Фатҳ Муслий: «Агар ўз нонингга рози бўлганингда, бунга ит бўлмасдинг», деди. Абу Мусо шундай деди: «Дунё ҳам худди шундай».

Изоҳ: Баъзилар арзимаган дунёга эришаман деб, бўйнига арқон солинишига ҳам рози бўлади. Ваҳоланки, ато қилинган ризқига қаноат қилишса, азиз бўладилар, бировнинг олдида хор бўлмайдилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан